


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. **Абдухалимов Б.** Формуляры записей о купле и продаже усадьбы из сборника (*мажма‘*) Абу Хафса ан-Насафи 3
2. **Муратов А.** Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос бўлган манбалар 14
3. **Улашова С.** Хоразмшоҳлар даври манбаларида Мовароуннаҳрдаги этник ҳолатга доир 22
4. **Замонов А.** Бухоро шайбонийлари ҳарбий тизими манбашунослигига доир баъзи мулоҳазалар 36
5. **Ғуломов С.** Ҳишмат ижоди спектри ва янги топилган “*Зиж*” хусусида 49

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. **Давлатова С.** Ҳунармандчиликда рамзлар: семантик-семиотик таҳлил *(Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида)* 62
2. **Ҳошимов Б.** Фарғона водийсидаги археологик тадқиқотлар тарихидан (1884–1964) 77
3. **Шамсиев М.** XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлиги ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг роли..... 92

ДИПЛОМАТИКА

1. **Таниева Г.** Эрназар Мақсуд ўғлининг ҳаж йўллари масаласига доир элчилик фаолияти (Россия империяси Ташқи сиёсат архиви ҳужжатлари асосида) 101

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Махсудов Д.** XIII асрда мусулмон дунёсида тафсир илми ривожи ва муфассир олимлар фаолияти 111

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Исҳоқов М.** Қадимги Хоразм ёзуви ва ёзув маданияти ҳақида 124

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Умарова И.** Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асарида келтирилган Жалолиддин Румий ҳаётига оид маълумотлар 140
2. **Худжанова Д.** Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” асарида аруз рукнларининг илмий-назарий талқини 154
3. **Шарахметова М.** “Бобурнома”нинг урдуча таржималарида Ҳиндистон таърифи 165
4. **Мадиримова С.** Мутриб Хонахароб ғазаллари 176
5. **Тўхтамуратов Ф.** Муҳсиний девони қўлёзма манбалари ва шеърларининг матн хусусиятлари 191
6. **Абдулаҳатов Н.** “Марсия” адабий-тарихий манбаларига оид айрим мулоҳазалар *(XIX–XX аср бошларида Марғилон маданий муҳити манбалари асосида)*..... 201

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Эшонова С., Қўлдошев Ш. Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги қабртош хусусида 210

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2020 йил 4 мартдаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

Rumi, “Masnaviyi ma’naviy”, written in six notebooks. This work is stored under number 2225/II in the funds of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan named after Abu Rayhan Beruni. In the middle of the manuscript pages is “Masnaviy” Rumi, in the margins – Ayub’s commentary “Sharkhi Masnaviyi Mavlaviy” in proportion to it. At the same time, explanations of some words are given in the commentary, stories are recorded concerning the life of Rumi and his edifications. Some stories are given by the author himself. There are stories taken from the Holy Qur’an or “Manokib al-Orifin”, they are given the author’s interpretation, which first indicates the name of the source from which this information was drawn. The work also has stories that are transmitted by the author on behalf of another person, and in such cases accurate information about her is indicated.

In this article on Ayub’s Commentary, the researcher analyzed such features of the work, using relevant examples. It is emphasized that in the Commentary, on the basis of various stories about the life and work of the great Sage and his relatives, many stories about him are given. It should be especially noted that the art and presentation style of Rumi testifies to his high poetic talent, deep knowledge, that he was the founder of the Mavlaviya movement, was considered one of the perfect thinkers of his era, who reached the heights of learning and became a famous shrine of his time.

The results of the Commentary study show that Ayub studied many works about the life and work of Rumi, worked with dictionaries, improved his knowledge in the field of religious and mystical knowledge, and also collected information from previously written comments. Proceeding from this, “Sharkhi Masnaviyi Mavlaviy” is one of the few among many sources dedicated to the life and work of Rumi.

Keywords: *Jaladdin Rumi, Ayyub, work, comment, commentator, manuscript, source, copy, dictionary, Sufism, shrine, beit, prophet, holy Quran, ayat, hadith, event, story, love, spirit.*

Д. Худжанова

Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” асарида аруз рукнларининг илмий-назарий талқини

Мавароуннаҳрлик аллома Маҳмуд Замахшарийнинг (1075–1144) аруз илмига бағишланган “Ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” (“Аруз илмида энг тўғри мезон”) асари мукаммаллиги, аруз қоидалари таҳлилининг

оригиналлиги билан аҳамиятли. Асардаги аруз асослари, аруз баҳрлари ва аруз доиралари бошқа араб арузига оид манбалардан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан, араб арузидаги “Рукнлар” мазусини таҳлил этишда айнан шу асарни етакчи манба сифатида фойдаландик. Шунингдек, мақолада араб арузидаги рукнларнинг амалий аҳамияти ва ташкил топиши ва назариясига оид масалалар ал-Хоразмийнинг (ваф.997) “Мафотиҳ ал-улум” (“Илмлар калитлари”) номли қомусий мажмуаси [7], Абу Наср бин Ҳаммод ал-Жавҳарийнинг (940–1007) “Аруз ал-варақатий” (“Аруз саҳифалари”) [2], Абу Ҳафс Насафийнинг (1068–1142) “Мухтасар ал-аруз аъла усул ал-маъруз” (“Арузга оид қисқа рисола”) [5], Юсуф ас-Саккокийнинг (1160–1229) “Мифтоҳ ал-улум” (“Илмлар калити”) номли қомусий асари [6], Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” [4] каби асарлар асосида кўриб чиқилади. Мақолада Маҳмуд Замахшарийнинг арузга доир Маҳмуд Замахшарийнинг арузга доир “Ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” (қисқача “Ал-Қистос”) асарида ўзига хос усулда келтирилган рукнлар мавзуи илк бора таҳлилга тортилади ва юқоридаги арузга оид асарлар билан қиёсий ўрганилади.

Маълумки, аруз вазнида энг кичик ўлчовлар рукнлардир. Рукн – бу жузвлардан, яъни сабаб, ватад ва фосилаларнинг бирикувидан шеърий мисраларни ҳосил қилувчи бўлакдир. Вазнлар рукнлардан тузилади, рукнлар эса жузвлардан иборатдир. Ўзбек арузшунослигида “аркон” деб ҳам номлашади [2: 139]. Кўплаб араб арузига бағишланган асарларда эса рукнлар “афоиъйл” ва “тафоъийл” дейилади.

Замахшарий ўзининг “Ал-Қистос” асарида шеър биносининг асоси бўлган жузвлар таҳлилидан сўнг улардан ҳосил бўлувчи асл рукнларни айнан юқоридаги каби таснифлайди:

إنه[1] يتركّب منهما[2] ثمانية أجزاء، تُسمَّى الأفاعيل والتَّفاعيل: اثنان منهما خماسيَّان، وستَّة سباعيّة ثم

Мазмуни: *Сўнг у иккисидан афоиъйл ва тафоъийл деб номланадиган саккизта рукн таркиб топади, улардан иккитаси хумасий (беш ҳарфлилар) ва олтитаси субаъий (етти ҳарфлилар) рукнлардир.*

Замахшарий рукнларни *афоиъйл* ва *тафоъийл* деб номлагани ҳолда уларнинг неча ҳарфдан ташкил топишига қараб *хумасий* ва *субаъий* рукнларга ҳам ажратганини кўрамиз [4: 8]. Айни пайтда биринчи қисмга кирувчи беш ҳарфдан ясалган *хумасий* рукнларни яна иккитага ажратган:

[1] Бу ерда “إنه” сўзи шеър қурилишининг асосига нисбатан қўлланилган.

[2] Бу ерда *сабаб* ва *ватад* назарда тутилмоқда. Чунки, Замахшарий шеър асосини *сабаб* ва *ватад* ташкил қилади ва бу иккисини бирлаштирса *фосила* ҳосил бўлади деб таъкидлайди [4: 7].

فَعُولُنْ (фа‘у:лун) – бир йиғилган ватад (فعو) ва бир енгил сабаб (لُنْ) келади.

Унинг акси فاعِلُنْ (фа:‘илун) – бир енгил сабаб (فا) ва бир йиғилган ватад (عِلُنْ) келади.

Иккинчиси эса етти ҳарфдан ясалган *субаъий* рукнлар бўлиб, улар уч қисмга бўлинади. Биринчи қисмга кирувчи рукнлар икки енгил сабаб ва бир йиғилган ватаддан таркиб топган. Улар қуйидагилар:

مستفعلن (мустаф‘илун). Бошида икки енгил сабаб (مس ва تف) ва охирида келувчи бир йиғилган ватад (عِلُنْ) йиғиндисидан иборат.

مَفاعِيلُنْ (мафа:‘илун). Юқоридагининг акси бошида йиғилган ватад (مفا) кейин икки енгил сабаб (عِيلُنْ) келади.

فاعِلاتُنْ (фа:‘ила:тун). Бошида ва охирида келувчи икки енгил сабаб (فا ва تُنْ) ва ўртада келувчи бир йиғилган ватаддан иборат.

Иккинчи қисмга кирувчи рукнлар оғир ва енгил сабаб, яъни фосиладан ҳамда йиғилган ватаддан ташкил топган бўлиб, улар иккита:

مُفاعَلَتُنْ (муфа:‘алатун). Бир йиғилган ватад (مُفا) ва ундан кейин келувчи кичик фосила (عَلَتُنْ) дан иборат.

مُتَفاعِلُنْ (мутафа:‘илун). Юқоридагининг акси яъни бир кичик фосила (مُتَفا) ва бир йиғилган ватад (عِلُنْ)дан иборат.

Учинчи қисмда фақатгина бир рукн бўлиб, у икки енгил сабаб ундан кейин келувчи ажратилган ватаддан таркиб топган مَفْعُولاتُ (маф‘у:ла:ту) рукнидир.

Кўпгина арузга доир асарларда 8 та асл рукнлар мавжудлиги кўрсатилган. Лекин Абу Наср ибн Ҳаммод ал-Жавҳарийнинг “Аруз ал-варақатий” рисоласида 7 та асл рукнни бериб, 8-“مَفْعُولاتُ” (“маф‘у:ла:ту”) рукнини олиб ташлайди ва бунинг сабабини қуйидагича ифодалайди:

و أما "مفعولات" فليس بجزء صحيح، على ما يقوله الخليل، و إنما هو منقول من "مستفعلن" مفروق الوتد، لأنه لو كان جزئا صحيحا لتركّب من مفرده بحرّ، كما قد تركّب من سائر الأجزاء.

Мазмуни: *“Маф‘у:ла:ту” рукнига келсак, Халил айтганидек у тўғри рукн эмас. У “мустаф‘илун” дан ажратилган ватадни кўчирилганидир. Агар у тўғри рукнн бўлганида эди, қолган рукнларнинг таркиби каби у ҳам таркиб топгандек бўлар эди* [1: 5].

Демак, Жавҳарий “مَفْعُولاتُ” рукнни тўғри рукн деб ҳисобламаган, 7 та асл рукнни таснифлар экан, рукнларни “الاجزاء” (“Жузвлар”) деб номлайди.

Юсуф ас-Саккоки эса, “Мифтоҳ ал-улум” номли қомусий асарининг арузга оид қисмида рукнларга бағишланган мавзуни “أصول الأفاعيل” – “Усул ал-афаъийл” (“Рукнларнинг асллари”) деб номлайди. У яна бир арузшунос олим Халил ибн Аҳмад келтирган 8 та аслий рукнга яна 2 та рукн: “فاع لاتن” (фа:‘и ла:тун) ва “مستفع لن” (мустаф‘и лун) рукнларини қўшиб, уларнинг сонини 10 тага етказади [6: 2].

Шундай қилиб, рукн қолиплари араб шеърияти вазнларини ясайдиган аслий рукнлардир. Баҳрлар таркибида қўлланилаётган рукнлар – соф бирламчи ҳолатда ёки айрим ўзгаришларга учраган шаклда келиши мумкин.

Бирламчи ҳолатда, ҳеч қандай ўзгаришларга учрамаган шаклда қўлланилаётган рукн соғлом (سالم – *солим*) рукн деб аталади. Лекин аслий рукнлардаги ўзгаришлар арузшуносликда бир қанча номлар билан аталади. Кўпгина арузга доир асарларда бу ўзгаришларни умумий қилиб *зиҳоф* ва *илла*ларга ажратишган.

Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Қистос” асарида рукнларда содир бўлувчи ўзгаришлар зиҳоф ва иллаларга ажратилмаган. Ҳар бир асл рукндан нечта тармоқ рукнлар ясалиши, ҳамда шу тармоқ рукнлар қайси қоидага мувофиқ ҳосил бўлганлиги ёритилган. Улар рисолада қуйидагича таърифланган:

فهذه هي الأصول التي بُنيَت أوزان العرب، عن آخرها، عليها، لا يشذّ منها شيء عنها. ولكلّ واحد من هذه الأصول فروع تتشعَّب منه

Мазмуни: *Булар араб шеърияти вазнларини ясайдиган аслий рукнлардир. Ушбу аслларнинг ҳар биридан тармоқ рукнлар ҳосил бўлади* [4: 4].

Шу аснода Замахшарий ҳар бир асл рукнни бериб, ундан ташкил топган тармоқ рукнларни бирма-бир таҳлил қилади [4: 4]:

فَعُولُنْ (фа‘у:лун) рукнидан олтита тармоқ рукн ясалади:

فَعُولُ، فَعُولْ، فَعْلُنْ، فَعْلُ، فَعُلْ، فَعْ

Мақбуд – المقبوض (луғ.м: тутиш) рукн таркибидаги бешинчи ҳарф сукунланган ҳамда сабабнинг иккинчиси бўлганда тушиб қолиши:

فَعُولُنْ← فَعُولُ

Мақсур –المقصور (луғ.м: қисқартириш) рукн сўнгидаги енгил сабабдан сукунли ҳарфни тушиб қолиши ва олдидагисининг сукунлашуви:

فَعُولُنْ← فَعُولْ

Аслам – الأثلم (луғ.м: тешиш, ёриш) биринчи байтдаги биринчи бўлиб келувчи йиғилган ватаднинг биринчи ҳарфи тушиб қолиши:

فَعُولُنْ← عولن = فَعْلُنْ

Асрам – الأثرم (луғ.м: тиши синиқ) рукн мақбуд бўлганда ватаддан биринчи ҳарфнинг тушиб қолиши: فَعُولُنْ← فَعْلُ

Маҳзуф – المحذوف (луғ.м: тушириб қолдириш) байтда аруз ёки дарб бўлиб келувчи рукн оҳиридаги енгил сабабнинг тушиб қолиши: فَعُولُنْ←فَعُلْ

Абтар – الأبتر (луғ.м: қўбориш) қатъ ва ҳазфнинг мажмуъсидир:

فعولن← فعو← فع.

Кейинги аслий рукн فاعِلُن (фа:‘ила: тун)дан 2та тармоқ рукн ясалади: فَعِلُنْ، فَعْلُنْ.

Махбун – المخبون (луғ.м: этакни қисқартириб тикиш) рукндаги иккинчи ҳарф сукунли ҳамда сабабнинг иккинчиси бўлганда тушиб қолиши: فاعِلُن←فَعِلُنْ

Мақтуъ – المقطوع (луғ.м: кесиш) рукн сўнгидаги йиғилган ватаддан сўнги сукунли ҳарфнинг тушиб қолиши ва олдидагисининг сукунлашиши: فاعِلُن←فَعْلُنْ

مُسْتَفْعِلُنْ (мустафʻилун) кейинги аслий рукн. Ушбу рукн қолипида 11 та тармоқлари бор:

مَفاعِلُنْ مُفْتَعِلُنْ، فَعَلتُنْ، مُستَفْعِلُ، مفَاعِلُ، مفَعُوْلُنْ، فَعُولُنْ، مُستفْعِلانْ، مفَاعِلانْ، مُفْتَعِلانْ، فَعَلتَانْ.

Махбун. Юқорида хабн ҳақида айтиб ўтдик: مُسْتَفْعِلُنْ←متفعلن = مَفاعِلُنْ

Матвий – المَطويّ (луғ.м: ўраш) рукндаги тўртинчи сукунли ҳарф сабабнинг иккинчиси бўлганда тушиб қолиши: مُسْتَفْعِلُن ←مُسْتَعِلُنْ=مُفْتَعِلُن

Махбул – المخبول (луғ.м: қаршилик) хабн ва тайларнинг йиғиндисидан иборат: مُسْتَفْعِلُنْ← متفعلن ←مُتَعِلُنْ = فَعَلَتُنْ

Макфуф – المكفوف(луғ.м: олиб қўйиш) рукн еттинчи ҳарфининг сукунли ҳамда сабабнинг иккинчиси бўлганда тушиб қолиши:

مُسْتَفْعِلُنْ← مُستَفْعِلُ

Машкул – المشكول (луғ.м: чалкаштириш) хабн ҳамда кафф бирлигидан иборат: مُسْتَفْعِلُنْ←مُتَفْعِلُن←مُتَفْعِلُ = مَفاعِلُ

Мақтуъ – المقطوع рукн сўнгидаги йиғилган ватаддан сўнги сукунли ҳарфнинг тушиб қолиши ва олдидагисининг сукунлашиши:

مُسْتَفْعِلُنْ←مُستَفْعِلْ = مَفْعُولُنْ

Макбул – المكبولُ (луғ.м: занжирлаш) хабн ҳамда қатъ бирлигидан иборат: مُسْتَفْعِلُنْ←مُتَفْعِلُن←مُتَفْعِلْ = فَعُولُنْ

Музал – المُذال (луғ.м: дум орттириш) рукн ортидаги йиғилган ватадга сукунли ҳарф орттириш: مُسْتَفْعِلُنْ←مُستفْعِلانْ

Музали махбун: مُسْتَفْعِلُنْ ← متفعلن←مُتَفْعِلانْ = مَفاعِلانْ

Музали матвий: مُسْتَفْعِلُنْ ←مُسْتَعِلُنْ←مُسْتَعِلانْ=مُفْتَعِلانْ

Музали махбул: مُسْتَفْعِلُنْ ←مُتَعِلُنْ←مُتَعِلانْ= فَعَلتَانْ

مَفاعِيلُنْ (мафа:ʻилун) ушбу аслий рукннинг еттита тармоқ рукнлари мавжуд: مفَاعِلُنْ ، مفَاعِيلُ، مَفاعِيلْ، فَعُولُنْ، مَفْعُولُنْ، فاعِلُنْ، مَفْعُولُ

Мақбуд – المقبوض : مَفاعِلُن← مفاعِيلُنْ

Макфуф – المكفوف : مَفاعِيلُ← مفاعِيلُنْ

Мақсур – المقصور : مَفاعِيلْ← مَفاعِيلُنْ

Маҳзуф – المحذوف: فَعُولُنْ= مفاعِي← مَفاعِيلُنْ

Ахрам – الأخرم (луғ.м: тешик қилиш) рукн бошидаги биринчи ундошнинг ва кетидан келадиган унлининг тушиб қолишидир. Рукнларнинг

ўзгариш турлари орасида харм муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, у салм ва адб турларига эга. Кейинги ўзгаришларда ҳарм-харб, шатар, қасм ва жимам каби турларига эга бўлади: مَفاعِيلُنْ=فاعِيلُنْ← مَفْعُولُنْ [3: 20].

Аштар – الأشتر (луғ.м: ёриш) аҳрам ва мақбуд йиғиндисидан иборат: مَفاعِيلُنْ←فاعِيلُنْ

Ахраб – الأخرب (луғ.м:вайрон қилиш) аҳрам ва макфуф бирлигидан иборат: مَفاعِيلُنْ← فاعِيلُنْ = فاعِيلُ مَفْعُولُ

Кейинги аслий рукн فاعِلاتُنْ (фа:‘ила:тун)да ўн битта тармоқ рукн бор: فَعِلاتُنْ، فاعِلاتُ، فَعِلاتُ، فاعِلانْ، فَعِلانْ، فاعِلُنْ، فَعِلُنْ، فَعْلُنْ مَفْعُولُنْ، فاعِلِيَّانْ، فَعِلِيَّانْ.

Махбун – المخبون: فَعِلاتُنْ← فاعِلاتُنْ

Макфуф – المكفوف: فاعِلاتُ← فاعِلاتُنْ

Машкул – المشكول: فَعِلاتُ←، فاعِلاتُنْ

Мақсур – المقصور: فاعِلاتْ = فاعِلانْ← فاعِلاتُنْ

Мақсур ҳамда махбун: فاعِلاتُنْ← فاعِلاتْ← فَعِلات = فَعِلانْ

Маҳзуф – المحذوف:فاعلا = فاعِلُنْ← فاعِلاتُنْ

Маҳзуф ва махбун – فاعِلاتُنْ← فاعلا← فَعِلا = فَعِلُنْ

Абтар – الأبتر: فاعِلاتُنْ← فاعِلْ =فَعْلُنْ

Мушшаъс – المُشَّعث. (луғ.м:ташлаш) рукндаги ватаднинг бирон-бир ҳаракатли ҳарфнинг тушиб қолиши: مَفْعُولُنْ = فاعاتُنْ ёки فالاتُنْ←فاعِلاتُنْ

Рукндаги ватаднинг биринчи ҳарфнинг сукунлашуви:
فاعِلاتُنْ← فَعْلاتُنْ = مَفْعُولُنْ

Мусаббағ – المُسبَّغُ (луғ.м: семиртириш) рукн ортидаги енгил сабабга сукунли ҳарф қўшиш: فاعِلاتُنْ← فاعِلاتانْ = فاعِلِيَّانْ

Мусаббағ ва махбун – فاعِلاتُنْ← فاعِلاتانْ←فَعِلاتان= فَعِلِيّانْ

مُفاعَلَتُنْ (муфа:‘алатун) номли аслий рукндан саккизта тармоқ рукнлар ясалади: مَفاعِيلُنْ، مَفاعِلُنْ، مَفاعِيلُ، فَعُولُنْ، مَفْتَعِلُنْ، مَفْعُولُنْ، فاعِلُنْ، مَفْعُولُ.

Маъсуб – المَعصوب (луғ.м:бошни боғлаш) рукннинг бешинчи ҳарфи ҳаракатли ҳамда сабабнинг иккинчиси бўлганда сукунлашуви:

مُفاعَلَتُنْ← مُفاعَلَتُنْ= مَفاعِيلُنْ

Маъқул – المَعقول (луғ.м: боғланган) рукн таркибидаги бешинчи ҳарф ҳамда сабабнинг иккинчиси бўлганда тушиб қолиши: مُفاعَلَتُنْ← مُفاعَتُنْ=مَفاعِلُنْ

Манқус – المنقوص (луғ.м: камайтирилган) аъсб ва кафф бирлигидан иборат: مُفاعَلَتُنْ← مُفاعَلْتُ=مَفاعِيلُ

Мақтуф – المقطوف (луғ.м: яраланган) ҳазф ва ъасбнинг бирлиги: مُفاعَلَتُنْ← مَفاعِلْ= فَعُولُنْ

Аъдб – الأعضب (луғ.м: ўткир) соғлом рукннинг харм бўлиши: مُفاعَلَتُنْ←فاعَلَتُنْ= مُفْتَعِلُنْ

Аксам – الأقصم (луғ.м: синдириш) маъсубни харм бўлиши:

مُفاعَلَتُنْ← فاعَلْتُنْ= مَفْعُولُنْ

Ажам – الأجمّ (луғ.м: шохсиз) маъқулни харм бўлиши:
مُفاعَلَتُنْ←فاعَتُنْ= فاعِلُنْ

Аъқс – الأعقص (луғ.м: ўрилган) манқусни харм бўлиши:
مُفاعَلَتُنْ←فاعَلْتُ= مَفْعولُ

Кейинги аслий рукн مُتَفاعِلُن (мутафа: ‘илун)нинг ўн бешта тармоқ рукни мавжуд:

: مُسْتَفْعِلُنْ، مَفاعِلُنْ مُفْتَعِلُنْ، فَعِلاتُنْ، مَفْعُولُنْ، فَعِلُنْ، فَعْلُنْ، مُتَفاعِلانْ، مُستفْعِلانْ، مُفاعِلانْ، مُفْتَعِلانْ، مُتَفاعِلاتُنْ، مُستَفْعِلاتُنْ، مُفاعِلاتُنْ، مُفْتَعِلاتُنْ.

Мудмар – المضمر (луғ.м:ўзини билмасликка солиш) рукндаги иккинчи ҳаракатли ҳарф сабабнинг иккинчиси бўлганда сукунлашуви: مُتَفاعِلُنْ← مُتْفاعِلُنْ= مُستَفْعِلُنْ

Мавқус – الموقوص (луғ.м: бўғиш) рукндаги иккинчи ҳаракатли ҳарф сабабнинг иккинчиси бўлганда тушиб қолиши: مُتَفاعِلُنْ← مُفاعِلُنْ= مَفاعِلُنْ

Махзул – المخزول (луғ.м: қисқартириш) идмар ва таййларнинг бирлигидан иборат: مُتَفاعِلُنْ← مُتْفَعِلُنْ=مُفْتَعِلُنْ

Мақтуъ – المقطوع рукн сўнгидаги йиғилган ватаддан сўнги сукунли ҳарфнинг тушиб қолиши ва олдидагисининг сукунлашиши:
مُتَفاعِلُنْ← مُتَفاعِلْ= فَعِلاتُنْ

Мақтуъ ва мудмар: مَفْعُولُنْ =مُتْفاعِلْ←مُتَفاعِلُنْ

Аҳазза – الأحذّ рукндаги йиғилган ватаднинг тушиб қолиши: مُتَفاعِلُنْ←مُتَفاعَلُنْ

Аҳазза ва мудмар: مُتَفاعِلُنْ← مُتْفا = فَعْلُنْ

Музаал: مُتَفاعِلُنْ← مُتَفاعِلانْ

Музаал ва мудмар: مُتَفاعِلُنْ← مُتَفاعِلانْ←متفاعلان =مُستفْعِلانْ

Музаал ва мавқус: مُتَفاعِلُنْ← مُتَفاعِلانْ← مُفاعِلانْ

Музаал ва махзул: مُتَفاعِلُنْ← مُتَفاعِلانْ← مُفاعِلانْ

Мураффал – المُرفَّل (луғ.м: шокила қилиш) рукнлар охиридаги йиғилган ватадга сукунли ҳарф оттириш: مُتَفاعِلُنْ←مُتَفاعِلا = مُتَفاعِلاتُنْ

Мураффал ҳамда мудмар: مُتَفاعِلُنْ←مُتفاعِلا←مُتَفاعِلا← مُستَفْعِلاتُنْ=

Мураффал ва мавқус: مُتَفاعِلُنْ←مُتَفاعِلا←مُفاعِلا ← مُفاعِلاتُنْ=

Мураффал ва махзул: مُتَفاعِلُنْ←مُتَفاعِلا ← مُتَفاعِلاتُنْ← مُفْتَعِلاتُنْ

Ниҳоят охирги асл рукн қолипимиз مَفْعُولاتُ (маф‘у:ла:ту) бўлиб, ўн битта фаръий рукнлари мавжуд: فَعُولاتُ، فاعِلاتُ، فَعِلاتُ، مَفْعُولانْ، فَعُولانْ، فاعِلانْ، مَفْعُولُنْ، فَعُولُنْ، فاعِلُنْ، فَعِلُنْ، فَعْلُنْ.

Махбун: مَفْعُولاتُ←مَعُولاتُ =فَعُولاتُ

Матвий: مَفْعُولاتُ←مَفْعُلاتُ =فاعِلاتُ

Махбул: مَفْعُولاتُ←مَعُلا=فَعِلاتُ

Мавқуф – الموقوف (луғ.м: тўхтатилган) рукн охиридаги айрилган ватаднинг сўнги ҳарфини сукунлаш: مَفْعُولاتْ←مَفْعُولاتْ=مَفْعُولانْ

Мавқуф ва махбун: مَفْعُولاتُ←مَفْعُولاتْ← مفعُولاتْ = فَعُولانْ

Мавқуф ва матвий: مَفْعُولاتُ←مَفْعُولاتْ←مَفْعلاتْ = فاعِلانْ

Макшуф –المكشوف (луғ.м: тўсиқ қўйилган) рукн охиридаги айрилган ватаднинг ҳазф бўлиши: مَفْعُولاتُ← مَفْعُولا=مَفْعُولُنْ

Макшуф ва махбун: مَفْعُولاتُ← مَفْعُولا← مَعُولا = فَعُولُنْ

Макшуф ва матвий: مَفْعُولاتُ← مَفْعُولا← مَفْعُلا = فاعِلُنْ

Макшуф ҳамда махбул: مَفْعُولاتُ← مَفْعُولا← مَعُول = فَعِلُنْ

Аслам –الأصلم (луғ.м: кесилган)) рукн охиридаги айрилган ватаднинг тушиб қолиши: مَفْعُولاتُ← مَفْعُو= فَعْلُنْ

Кўриб турганимиздек, ҳар бир асл рукн таркибидаги бир ҳарф ёки жузв тушиб қолиши, ёки аксинча, ҳарф, жузв орттирилиши, ҳамда рукн таркибидаги ҳаракатли ҳарф сукунлантирилиши ёки сукунли ҳарф тушиб қолиши каби ўзгаришлар натижасида янги тармоқ рукнлар ҳосил бўлди ва улар жами 71 тадир. Бу ўзгаришлар номининг таърифи берилиб, қандай қилиб янги рукн пайдо бўлганлиги аниқ кўрсатилиб берилган. Бу усул орқали аруз вазнида битилган шеърнинг қайси баҳрда ёзилганлиги тўғри аниқлашда ҳамда унга кирган ҳамма ўлчов схемаларининг номлари вазннинг номини қайд этишда ёрдам беради. Қуйида келтирилган Замахшарийнинг “ал-Қистос” асаридаги мунсариҳ баҳри мисолида мазкур масала бўйича кенгроқ тасаввурга эга бўламиз [4: 19]:

إنَّ ابنَ زَيدٍ لا زالَ مستعَـمِـلاً للخَيرِ، يُفشِي في مِصرِهِ العُرُفا

“Мисрда ҳайр эҳсон тарқатган Ибн Зайд яхшилик қилишдан тўхтамаяпти”.

إننبنَزَي | دن لا زالَ | مستعَـمِـلاً
مستفعلن| مفعولات | مستفعلن
سالم | سالم | سالم

للخَيرِ يُف| شِي في مِصر|ِهِل عُرُفا
مستفعلن| مفعولات | مفتعلن
سالم | سالم | مطوى

Бу байт мунсарих баҳрида бўлиб, арузи солим, дарби эса матвий шаклида ёзилган. Аслий рукн –- *мустаф‘илун* (مستفعلن) даги тўртинчи сокин ҳарф туширилган, натижада *муста‘илун (*مُسْتَعِلُنْ*)* ҳосил бўлади ва бундай тармоқ рукн мавжуд бўлмаганлиги учун *муфта‘илун*(مُفْتَعِلُن) (тармоқ рукнига тенглашади. Бу ҳодиса *матвий* деб номланади.

Демак, аруз илмини ўрганишда эсда қолиш жиҳатидан мураккаб ҳисобланадиган зиҳофлар баёни Замахшарийнинг “ал-Қистос” асарида

оригинал тарзда берилган. Бу усул рукнларни тармоқ рукнларда содир бўлувчи ўзгаришларни ўрганишда анча қулай ва онсондир. Шу сабабли бўлса керак, кейинги даврларда яратилган арузга доир асарлардан Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ал-балоға” асарида шу усулдан фойдаланилганлиги ва унда Тарозий Замахшарийнинг “ал-Қистос” асарига таянганлиги маълум бўлади [7: 49].

Бироқ юқорида айтиб ўтганимиздек, араб арузи назариясига оид асарларда рукнларнинг номланиши, сони ва уларда содир бўлувчи ўзгаришлар турлича баён қилинган. Масалан, ал-Хоразмий қаламига мансуб “Мафотиҳ ал-улум” номли қомусий мажмуанинг биринчи бўлим бешинчи боби аруз илмига бағишланган ва унда 8 та рукн берилади. Ушбу рукнларнинг ўзгаришлари эса алоҳида қисмга ажратилган бўлиб, “ العلل و الزحافات” (“Илла ва Зиҳофлар”) деб номланади [8: 8].

Абу Ҳафс Насафийнинг “Мухтасар ал-аруз аъла усул ал-маъруз” асарида эса рукнлар “الأفاعيل” (“афа:‘ил”) деб номланган ва уларнинг сони ҳам 8 та [5]. Лекин юқоридаги асл рукнларда содир бўлувчи ўзгаришларни кўплаб бошқа асарлар сингари “Зиҳоф” лар деб таърифлаган. Замахшарийнинг асаридан фарқли ўлароқ рисолада ҳар бир баҳрнинг рукнларини солим ҳолда бериб, сўнг ўша баҳрнинг зиҳофларини бирма-бир таърифлаб мисоллар орқали исботлаб беради.

Мақолада кўтарилган масала юзасидан амалга оширилган таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Биринчидан, аслий рукнлар ва тармоқ рукнларнинг аруз илмидаги амалий аҳамияти шундаки, шеърнинг вазнини аниқлаганда унга кирган ҳамма ўлчов схемаларининг номлари вазннинг номида қайд этилади.

Иккинчидан, зиҳофга учраган рукнларнинг мавжудлиги шеър оҳангининг ўзига хос бўлишига ва арузнинг ритмик жиҳатдан ранг-баранг бўлишига хизмат қилади.

Учинчидан, аруз тизимида рукнлар мавзуси мовароуннаҳрлик арузшунос олимлар томонидан ёзилган асарларда турлича номланган, таркиби жиҳатидан ҳам фарқ қилади ва энг асосийси рукнларнинг таркиб ўзгариши қоидасини беришда турлича ёндашганлар.

Тўртинчидан эса, аруз илмига оид асарлар ичида ўзининг оригиналлиги билан ажралиб турувчи Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Қистос” асарида 8 та аслий рукнларнинг ўзгаришлари натижасида ҳосил бўлувчи тармоқ рукнлар бошқа арузий асарларга нисбатан осон ва қулай тарзда таърифланган. Бу усул шеър вазнини аниқ ва осон аниқлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Наср бин Ҳаммод ал-Жавҳарий. Аруз ал-Варақати. Истанбулдаги Атиф афанди кутубхонаси қўлёзмаси, инв. № 1991.
2. Алишер Навоий. Асарлар. Мезон ул-авзон. 15 томлик / Нашрга тайёрловчи: И. Султон Т. 14. Тошкент,1967.
3. Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” асарида поэтика. Тошкент, 2001.
4. Маҳмуд аз-Замахшарий. Ал-Қистос фи илм ал-аруз. Мисрдаги “Дор ал-Кутуб” кутубхонасида сақланаётган қўлёзма фотонусхаси, инв. № 2.
5. Нажмиддин Абу Ҳафс Умар бин Муҳаммад бин Аҳмад ан-Насафий. Матла ан-нужум ва мажма ал-улум. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 1462.
6. Юсуф ас-Саккокий. Мифтоҳ ал-улум. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 519.
7. Van Vloten. Liber mafatih al-olum. Abu Abdullah Mohammed ibn Yosef al-katib al-Khowarezmi, Lugduni- Batavorum, 1895.

Д. Худжанова

Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” асарида аруз рукнларининг илмий-назарий талқини

Мақолада араб арузидаги рукнларнинг амалий аҳамияти ва ташкил топишини аруз илмига оид асарлар асосида кўриб чиқилади. Хоразмлик аллома Маҳмуд Замахшарийнинг (1075–1144) арузга доир “Ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” (“Аруз илмида энг тўғри мезон”) асарида ўзига хос усулда таснифланган рукнлар мавзуи илк бора таҳлилга тортилди. Асарда 8 та асл рукн таснифланиб, асл рукнлар икки гуруҳга ажратилган. Бироқ, асл рукнлардаги ўзгаришларни зиҳоф ва иллаларга ажратмасдан, уларнинг ҳар биридан тармоқ рукнлар ҳосил қилинган. Бу ҳодиса асл рукн таркибидаги бир ҳарф ёки жузв тушиб қолиши ёки аксинча, ҳарф, жузв орттирилиши, ҳамда рукн таркибидаги ҳаракатли ҳарф сукунлантирилиши ёки сукунли ҳарф тушиб қолиши каби ўзгаришлар натижасида юзага келади. Асарда ушбу ўзгаришларнинг ҳар бири таърифланиб, рукн пайдо бўлиши, ҳосил бўлган 8 та асл рукннинг жами 71 та рукнга тармоқланиш жараёни аниқ кўрсатиб берилган.

Шунингдек, мақолада мовароуннаҳрлик олимлардан Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (ваф. 997), Абу Наср ал-Жавҳарий (940–1007), Абу Ҳафс Насафий (1068–1142) ва Юсуф ас-Саккокийларнинг (1160–1229) араб арузига бағишланган асарларида асл рукнларнинг ҳосил қилиш таркибидаги умумийлик ва тафовутлар қиёсий таҳлил қилинган. Абу Абдуллоҳ ал-

Хоразмий ва Абу Ҳафс Насафийлар асарларида 8 та рукн, Юсуф ас-Саккокий 10 та рукн, Абу Наср ал-Жавҳарий эса 7 та рукнни таҳлил қилиб, рукнлардаги ўзгаришларни зиҳоф ва иллаларга ажратганлари ифодаланган. Мазкур олимлар асарларида аруз тизимидаги рукнлар мавзуси турлича номлангани, таркиби жиҳатидан ҳам фарқ қилиши ва энг асосийси рукнларнинг таркибининг ўзгариш қоидасини беришдаги турлича ёндашувлари қиёсланган.

Хулосада Маҳмуд Замахшарий берган таснифдаги аслий рукнлар ва уларнинг тармоқ рукнларининг ҳар бирини белгиланган тартибда ўрганиш, аруз тизимидаги байтларнинг вазнини тўғри ва осон аниқлашга имкон яратиши таъкидланган.

Калит сўзлар: *рукн, баҳр, афоиъйл ва тафоъийл, аркон, "ал-Қистос", зиҳоф, илла, мақбуд, маҳзуф, матвий, ахрам, абтар, ахраб, мақтуъ, манқус.*

Д. Худжанова

Научное толкование стопы *аруза* в труде Замахшари «ал-Кистас ал-мустаким фи илм ал-аруз»

В данной статье рассматривается практическая значимость и формирование стопы арабского *аруза*, на основе произведений, посвященных к науке *аруза*. Впервые приводится анализ темы стопы из произведения хорезмского ученого Махмуда Замахшари (1075–1144) «Ал-Кистас ал-мустаким фи илм ал-аруз» («*Точные критерии в науке об арузе*»), касающийся *аруза*, классифицированных уникальным образом. В этом произведении классифицируется 8 стоп и эти стопы разделены на две группы. Замахшари с каждой из них образует сетевые стопы, не разделяя изменения стоп на *зихаф* и *илла*. Это возникает в результате выпадения одной буквы или *жузв* из структуры стоп, или же наоборот прибавления буквы или *жузв* в составе стоп, а также сукунирование или выпадение неогласованных и огласованных *харфов* из состава стоп. Каждое из этих изменений классифицируется и явно описывается появление новых стоп и процесс ответвления 8 исходных стоп, в общей сложности на 71 стопу.

Кроме того, в статье приводится сравнительный анализ общности и различия в составе формирования стоп в работах ученых Мавераннахра, посвященных арабскому *арузу*, Абу Абдуллах ал-Хорезми (ум. 997), Абу Наср ал-Джаухари (940–1007), Абу Хафс Насафи (1068–1142) и Юсуф ас-Саккаки (1160–1229). В своих работах Абу Абдуллах ал-Хорезми и Абу Хафс Насафи анализируют 8 стоп, Юсуф ас-Саккаки 10 стоп, и Абу Наср ал-Джаухари 7 стоп. Однако, изменения в стопах делятся на *зихаф* и *илла* во

всех этих работах. В статье приводится сравнительный анализ различия в названии тем стоп в системе *аруза*, различия и по составу, и самое главное, правила изменения состава стоп в работах этих ученых.

В заключение говорится, что изучение в установленном порядке исходных стоп классификацией, данной Махмудом Замахшари, и каждого из их сетевых стоп позволит точно и легко определить размер байтов в арузной системе.

Ключевые слова: *стопа, размер, афаиъйл и тафаъиийл, аркон, «ал-Кистас», зихаф, илла, макбуд, махзуф, матвий, ахрам, абтар, ахраб, мактуъ, манкус.*

D. Khudjanova

The analysis of *‘arūd* in Zamakhshari’s “Al-Qistās al-mustakīm fi ‘ilm al-‘arūd”

The present article discusses the formation and functionality of Arabic ‘aruz meters. The article examines the Khwarazmian scholar Mahmud al-Zamakhshari’s work (1075–1144), “Al-qistas al-mustaqim fi ‘ilm al-‘aruz”, dedicated to the study of ‘aruz for the first time. The work classifies eight ‘aruz meters dividing them into two groups.

Zamakhsharī made branches of feet from each of these origins without dividing the changes of the feet on *zihaf* and *‘illa*. This occurs as a result of losing one consonant, or *juzv*, from the foot structure or the dropping and the adding of a consonant or *juzv* in the composition of the foot, as well as elision of the unvowelled consonants or dropping the *sâkin* from the composition of the foot. Each of these changes are classified, and the formation of the feet, the process of branching out of the 8 original feet formed into a total of 71 feet is clearly described in the period treatise. In addition, this paper provides a comparative analysis of the similarities and differences in the works dedicated to ‘aruz of scholars who lived in Mavarannahr: Abu Abdullah al-Khwarazmi (d. 997), Abu Nasr ibn Hammad Jawhari (940–1007), Abu Hafs Nasafi (1068–1142) and Yusuf al-Sakkaki (1160–1229). Abu Abdullah al-Khwarazmi and Abu Hafs Nasafi classified 8 meters ‘aruz, whereas Yusuf al-Sakkaki 10 meters ‘aruz, and Abu Nasr Jawhari 7 meters ‘aruz.

The author concludes that it is imperative to study ‘aruz system as classified by Mahmud al-Zamakhshari.

However, the changes in the feet are divided into *ziha:f* and *‘illa* in all of these works.

The conclusion states that the study in the established order of the origin feet by the classification given by Maḥmūd al-Zamakhsharī and each of their branches of feet will make it possible to accurately and easily determine the meter of bytes in the `arūḍ system.

Keywords: *Feet, metre, afail and tafail, verse, "al-Kistas", ziha:f, 'illa, makbud, mahzuf, matvy, ahram, abtar, ahrab, maktu, mankus.*

М. Шарахметова

"Бобурнома" нинг урдуча таржимасида Ҳиндистон таърифи
(Мирзо Носириддин Ҳайдар Кўрагоний таржимаси мисолида)

Улуғ ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) – ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндаси, нозиктаъб шоир, давлат арбоби, адолатли ҳукмдор, кучли саркарда, тарихда бобурийлар номи билан юритиладиган буюк сулола (1526–1857) асосчиси, таржимон ва етук олим бўлган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бой илмий-адабий мерос қолдирди. Унинг "Бобурнома", "Девон", "Аруз рисоласи", "Мубаййин", "Волидия" каби асарлари, туркий тил қонуниятларига мослаб ижод қилинган алифбоси жаҳон адабиёти, маданияти ва илм-фанини тараққий эттиришга мислсиз улуш бўлиб қўшилган.

Бобур қолдирган илмий-адабий мерос ичида, шубҳасиз, энг буюги "Бобурнома" бўлиб, у мураккаб жанрда битилган. У ўзбек адабиётидаги дастлабки насрий-мемуар ва тарихий-адабий ёдгорликдир. Бобуршунос олим, профессор Ҳасан Қудратуллаевнинг ёзишича, "Бобурнома" моҳиятига кўра воқеий-илмий-саргузашт асар"дир [5: 86]. М.С. Махлуф хоним мазкур улуғ асар "Жаҳон маданияти тарихида ўлмас тарихий ва адабий қимматга эга асар сифатида муносиб ўрин эгаллашини" таъкидлаб, бундай деб ёзади: "Бобурнома" илм аҳли учун Ўрта Осиё ва Ҳиндистон минтақаларини тарихий, ижтимоий маданияти тараққиёти даражасини тадқиқ этиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга асардир" [4: 28–29].

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асарини жаҳонга машҳур қилган, бошқа халқларни ҳам баҳраманд этган нарса унинг таржималаридир. Бугунги кунда "Бобурнома" дунёнинг турли тилларига жумладан, рус, инглиз, немис, голланд, француз, испан, япон, форсий, турк, араб, ҳиндий ва бошқа тилларга таржима қилиниб, қайта-қайта нашр